**«ТАСДИКЛАЙМАН»**

Риштон Абу Али ибн Сино
номидаги Жамоат саломатлиги
техникуми директори
______________ Рузалиев К.Н.

Техникум укувчилари илмий амалий таълим олишлари учун керакли булган **ТАЪЛИМ АНАТОМИК МОДЕЛЛАРИ** сотиб олиш буйича.

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Буюртмачи:** Риштон Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми

I. **Танлов иштирокчиси учун йул йурик.**
II. **Танловнинг техник кисми.**
III. **Танловнинг нарга ойид кисми.**
IV. **Шартнома лойихаси.**

# I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУЛ ЙУРИК.

| | | |
|---|---|---|
| **1. Умумий коидалар.** | 1.1 | Мазкур танлов хужжатлари Узбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тугрисида»ги конуни (кейинги уринда – Конун) талабларига мувофик ишлаб чикилган. |
| | 1.2 | Танлов предмети: Техникум укувчилари илмий амалий таълим олишлари учун керакли булган **таълим анатомик моделлари** сотиб олиш буйича. |
| | 1.3 | Танлов максимал киймати 100 000 000 сумни ташкил килади. Танлов таклифида курсатилган нархлар охирги кийматидан юкори булмаслиги керак. |
| | 1.4 | Махсулотлар буйича техник топшириклар танлов хужжатларининг техник кисмида келтирилган. |
| | 1.5 | Танлов камиссияси йигилиш шакли – техникум биносида утказилади. |
| 2. Танлов ташкилотчиси ва буюртмачи | 2.1 | Риштон Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги Техникуми<br>Бюртмачи манзили: Фаргона вилояти, Риштон тумани, Амир Темур кучаси 285-А уй. |
| | 2.2 | Танлов Буюртмачи ташкил килган камида беш кишидан иборат таркибдаги танлов комиссияси томонидан утказилади. |
| 3. Танлов иштирокчилари | 3.1 | Танловда муклчилик шаклидан катъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин (4.2 бандда келаетган шахслар бундан мустасно). |
| 4. Танловни утказиш шарти | 4.1 | Танловда иштирок этиш учун, танлов иштирокчиси куйидагиларни амалга ошириши лозим.<br>а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов хужжатларининг электрон нусхасини олиш (кучириш);<br>б) танлов хужжатлар шартларга мувофик танлов хужжатларини топшириш. |
| | 4.2 | Куйидаги иштирокчиларнинг танловда катнашишга йул куйилмади:<br>кайта ташкил килиш, тугалланиш ёки банкротлик боскичини бошдан кечираётган;<br>Нохалол ижрочиларнинг ягона руйхатига киритилган;<br>Соликлар ва бошка мажбурий туловларни тулаш буйича карздорлиги бор;<br>имтиёзли солик режимини берувчи ва ёки молиявий амалиётларни утказишда маълумотларни ошкор кили шва беришни кузда тутмайдиган давлатлар ёки худудларда (оффшор зоналар) руйхатдан утган ва банк хисобракамларига эга булган. |
| | 4.3 | Буюртмачи куйидаги холларда иштирокчини харид килиш таомилида иштирок этишдан четлаштирилади: |

Иштирокчи тугридан тугри ёки воситали тарзда буюртмачининг, ёки бошка давлат органининг хозирги мансабдор шахсига ёки собик ходимларига давлат харидлари жараёнида бирон-бир харакатни амалга ошириш, карор кабул килиш ёки бирон-бир танлов таомилини куллашга таъсир курсатиш максадида хар кандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки хар кандай кимматбахо буюм ёки хизмат курсатишни таклиф килагн, берган ёки рози булган такдирда;
Иштирокчи адолатсиз танлов устунлигига эга булса ёки конунга зид булган манфаатлар тукнашуви мавжуд булса.

5. Танлов тили

5.1 Танлов таклифи, иштирокчи ва бюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боглик булган барча ёзишмалар, хужжатлар узбек тилида булиши керак .

6. Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби

6.1 Танлов иштирокчилари, мазкур танлов хужжатларининг курсатилган хужжатларнинг уз ичига олган таклифларини эълонда белгиланган тартибда Электрон холда такдим килади.

6.2 Танлов иштирокчиси:
Такдим килаётган маълумотлар ва хужжатларнинг хакикийлиги ва ишончлилиги учун маъсул хисобланади;
такдим килинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча кайтариб олиш ёки унга узгартириш киритишга хакли.

6.3 Танлов таклифи танлов шарларига мос булган ва куйидаги маълумотларни камраб олувчи нархга оид кисмдан ташкил топади: махсулотлар номланиши, махсулотлар киймати, якуний сумма, тулов шартлари, таклифнинг амал килиши муддати ва х.з.

6.4 Нархга оид таклифлар мавжудлигига талаблар:
Нархга оид таклиф ва нархлар жадвали ушбу йурикномага илова килинадиган мувофик холда.

6.5 Иштирокчилар танлов таклифлари амал килиш муддати Давлат харидлар сайтидан руйхатдан утгандан сунг шу сайт оркали тугаганга кадар амалга оширилиши керак.

7. Танлов хужжатларига узгартиришлар киритиш

7.1 Зарур холларда буюртмачи танлов хужжатларига узгартиришлар киритиш хакида карор кабул килиши мумкин.
Танлов хужжатларига узгартиришлар киритиш хакида карор таклифларни такдим килиш муддати тугашидан камида уч кун аввал кабул килиши мумкин.
Танлов таклифларига узгартиришлар киритиш жараёнида Махсулотлар ёки уларнинг тавсифлари узгартирилишига йул куйилмайди.
Таклифларни бериш муддати тугаган пайтда танлов хужжатларига узгартирилар киритилганда танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан бошлаб, камида ун кунга узайтирилади.

| | | |
|---|---|---|
| | | Айни пайтда эълонда курсатилган маълумот узгартирилган такдирда, танлов утказиш хакида эълон хам узгартиришлар киритилади. |
| 8. Танлов таклифларини электрон савдоларни тахлил килиш ва уларнинг бахолаш меъзонлари | 8.1 | Эълонда танловни утказиш санаси сифатида курсатилган вактда танлов таклифларни бахолаш буйича танлов комиссияси Электрон савдога катнашган ва берилган таклифларни электрон калит оркали куриб чикилиб энг яхши таклиф берилган корхона ёки фирманинг нархларини электрон калит оркали имзолаш мумкин. |
| | 8.2 | Танлов иштирокчилари таклифларни куриб чикиш ва бахолаш муддати танлов таклифлари берилиши якунланган санадан бошлаб ун кундан ошмаслиги керак. |
| | 8.3 | Электрон савдолар буйича хужжатларнинг борлиги ва улар тугри расмийлаштирилганлиги текширилади. Савдода тегишли танлов хужжатлари комиссиянинг талабларига тугри келмаган такдирда танлов комиссияси уни куриб чикиш ва бахолашга куймасликка хакли. |
| | 8.4 | Танлов комиссияси рад килинмаган таклифлар бахолаб, танлов хужжатларида курсатилган мезонлар асосида танлаб голибини аниклайди. |
| | 8.5 | Танлов иштирокчиси такдим килган хужжатлардаги маълумотларнинг сохталиги аникланса, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда иштирок этишдан четлаштиришга хакли. |
| | 8.6 | Танлов таклифларини бахолаш ва танлов голибини аниклаш танлов хужжатларида баён килинган мезонлар асосида амалга оширади. |
| | 8.7 | Таклиф Конун, карор ва танлов хужжатлари талабларига жавоб берса, тегищли тарзда расмийлаштирилган, деб хисобланади. |
| | 8.8 | Танлов комиссияси таклифни берган танлов иштирокчиси Конун, карор ва танлов хужжатлари талабларига жавоб бермаса, ёки танлов иштирокчисининг таклифи танлов хужжатлари талабларига мос булмаса, таклифни рад этади. |
| | 8.9 | Танлов таклифларини бахолаш жараёнида танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари буйича тушунтиришлар сураб олишлари мумкин. |
| | 8.10 | Танлов хужжатлари ва таклифларда курсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш буйича энг яхши шартларни таклиф килган танлов иштирокчиси голиб деб топилади. |
| | 8.11 | Арифметик ёки бошка хатолар мавжуд булган такдирда танлов комиссияси, бу хакда танлов иштирокчисини хабардор килган холда, танлов таклифини рад этишга ёки уларни келгусида куриб чикиш буйича бошка шартларни белгилашга хакли. |
| | 8.12 | Таклифларни куриб чикиш ва бахолаш натижаларитаклифларни куриб чикиш ва бахолашни кайд килиш баённомасида кайд килинади. |
| 9. Томонлар маъсулияти | 9.1 | Комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек танлов таклифларини |

| | | |
|---|---|---|
| ва махфийликка риоя килиш | | урганиш учун ташкил килиган ишчи гурух аъзолари маълумотларни ошкор килишга хакли эмас. |
| 10. Бошка шартлар | 10.1 | Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, Утказилаётган танлов хакида тушунтиришлар олиш учун ишчи органига ёзма равишда мурожаат килиши мумкин. |
| | 10.2 | Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар балансида мавжуд махсулотлар руйхатини такдим килган холда иштирок этишлари мумкин. |
| | 10.3 | Куйидаги холларда танлов комиссияси танловни булиб утмаган деб эълон килиши мумкин. Танловда бита иштирокчи иштирок этган ёки хеч ким иштирок этмаган такдирда; |
| | 10.4 | Голиб чиккан таклиф акцептигача буюртмачи исталган пайтда танлов бекор килиши мумкин. Танлов бекор килинган такдирда буюртмачи махсус ахборот портплида бундай карорни асосли сабабларини чоп этади. |
| 11. Шартнома тузилиши | 11.1 | Танлов натижаларига кура шартнома у билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан такдим килинаётган танлов хужжатлари ва таклифларида курсатилган шартларда тузилади. |
| | 11.2 | Танлов голиби танлов шартлари буйича шартнома тузишдан бош тортган такдирда, шартнома тузиш хукуки захирадаги ижрочига утади. Бунда захирадаги ижрочи танлов голиби таклиф килган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. |

# МАЛАКАВИЙ ХУЖЖАТЛАР РУЙХАТИ

1. Иштирокчи кайта ташкил килиниш, тугалланиш ёки банкротлик, буюртмачи билан суд ёки хакамлик судида тортишув холатида эмаслиги, шунингдек аввал тузилган шартномалар буйича керакли тарзда бажарилмаган мажбуриятлар йуклигини тасдикловчи кафолат хати.
2. Танлов иштирокчиси хакида умумий маълумотлар.
3. Нарга оид таклиф.
4. Махсулот курсатгичлари буйича киёсий жадвал.
5. Гувохнома нусхаси.